

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА  
ИННОВАЦИЯЛАР**

**4 ЖИЛД, 6 СОН**

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И  
ПСИХОЛОГИИ**

**ТОМ 4, НОМЕР 6**

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND  
PSYCHOLOGY**

**VOLUME 4, ISSUE 6**



**Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:**

**Аскарлов Абров Давлатмирзаевич**  
педагогика фанлари бўйича фалсафа  
доктори

---

Педагогика йўналиши

**Бош муҳаррир:  
Главный редактор:  
Chief Editor:**

**Мухамедова Дилбар Гафурджановна**  
психология фанлари доктори, профессор

---

Психология йўналиши

**Педагогика ва психологияда инновациялар журнал таҳририй маслаҳат кенгаши  
Editorial Board of the Journal of Innovations in pedagogy and psychology  
Международный редакционный совет журнала Инновации в педагогике и психологии**

**Муслимов Нарзулла Алиханович**  
*педагогика фанлари доктори, профессор*

---

**Джораев Мухамматрасул**  
*педагогика фанлари доктори, профессор*

---

**Тўракулов Олим Холбўтаевич**  
*педагогика фанлари доктори*

---

**Уразова Марина Батировна**  
*педагогика фанлари доктори*

---

**Шорена Дзамукашвили**  
*педагогика фанлари доктори*

---

**Шорена Вахтангишвили**  
*педагогика фанлари доктори*

---

**Нурманов Абдиназар Ташбаевич**  
*педагогика фанлари доктори*

---

**Халиков Аъзам Абдусаломович**  
*педагогика фанлари доктори*

**Аюпова Мукаррам**  
*педагогика фанлари номзоди, профессор*

---

**Джумаев Маманазар Иргашевич**  
*педагогика фанлари номзоди, профессор*

---

**Ҳамидов Жалил Абдурасулович**  
*педагогика фанлари доктори*

---

**Асилова Гулшан Асадовна**  
*Педагогика фанлари доктори, доцент*

---

**Саипова Малоҳат Латиповна**  
*психология фанлари бўйича фалсафа доктори*

---

**Ҳажиева Ирода Адамбаевна**  
*филология фанлари номзоди, доцент*

---

**Азимова Насиба Эргашовна**  
*педагогика фанлари номзоди, доценти*

---

**Ахмедова Зебинисо Азизовна**  
*фалсафа фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций журналлов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадқиқот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>1. Mavlonova Gulchehra</b> SINERGETIK YONDASHUV ASOSIDA BO'LAJAK O'QITUVCHILARNING AXLOQIY KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISH.....	4
<b>2. Тангиров Хуррам, Жомуродов Дўстмурод, Муродқосимова Шодия</b> АХБОРОТ-ТАЪЛИМ МУҲИТИДА ЎҚИТИШНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....	10
<b>3. Туракулова Ирода</b> СОЦИАЛЬНАЯ УСТАНОВКА КАК РЕГУЛЯТОР ПОВЕДЕНИЯ ЛИЧНОСТИ.....	19
<b>4. Jo'raev Abduvahob</b> JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARI FAOLIYATINING AMALIY – PEDAGOGIK ASOSLARI.....	23
<b>5. L. Nazarova</b> USING TELEGRAM MESSENGER IN TEACHING ENGLISH IN HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS.....	29
<b>6. Абдукадирова Лаура</b> АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНОЙ И ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ ПОДДЕРЖКИ СЕМЕЙНЫХ СТУДЕНТОК В ВУЗАХ УЗБЕКИСТАНА.....	38
<b>7. Сарсенбаева Райҳон</b> ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ.....	46
<b>8. Г.С. Хужаниёзова</b> БЎЛАЖАК ИҚТИСОДЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА УЗЛУКСИЗ МАТЕМАТИК ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	57
<b>9. Kosimova Zarina</b> XALQ TA'LIMI TIZIMIDA O'ZGARISHLARNI BOSHQARISHDA HORIJIY OLIMLARNING YONDOSHUVLARI.....	63
<b>10. Raxmankulova Barna Oktamxanovna, Saparova Dilnoza Paraxatovna</b> O'ZBEKISTONDA GENDER TENGLIK VA ONALARNING O'RNI.....	72
<b>11. Абдуллаев С.Х., Турсунова Шахзода Бахромовна</b> БЎЛАЖАК ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ФАНИ ЎҚИТУВЧИСИ ҚОБИЛЯТИНИНГ ҲУСУСИЯТЛАРИ.....	79
<b>12. Холмирзаева З.</b> "КИМЁ ТАРИХИ" КУРСИ МАШҒУЛОТЛАРИДА ИЛМИЙ МАЪЛУМОТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ТАЪЛИМ САМАРАДОРЛИГИ ОМИЛИ.....	84
<b>13. Акбарова Муаттархон Тилаволдиевна</b> БЎЛАЖАК ГЕОЛОГЛАРГА ЗАМИН ҲАҚИДА КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР БЕРИШ ЗАРУРАТИ.....	90

# ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА ИННОВАЦИЯЛАР ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И ПСИХОЛОГИИ INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND PSYCHOLOGY

**Акбарова Муаттархон Тилаволдиевна**

Тошкент вилоят Чирчиқ давлат  
педагогика институти,  
“Кимё”кафедраси ўқитувчиси  
akbarova72m@mail.ru

## БЎЛАЖАК ГЕОЛОГЛАРГА ЗАМИН ҲАҚИДА КИМЁВИЙ БИЛИМЛАР БЕРИШ ЗАРУРАТИ

**For citation:** M.T.Akbarova. The need to provide future geologists with chemical knowledge about the ground. Journal of innovations in pedagogy and psychology. Vol. 4, Issue 6, 2021, pp. 90-93

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9513-2021-6-13>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ер ва ундаги ҳаётий жараёнларни кимёвий билимлар иштирокисиз идрок қилиб ва англаб бўлмайдиган, шунинг учун “Кимё” геология ва география ўқув предметларининг дидактик ҳамкорлиги эвазига талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билимларини мустаҳкамлаш, ҳамда бу фаннинг интегратив характери кучли ифодаланган ва ундан фанлараро алоқадорликни ташкил этиш учун юксак самара билан фойдаланиш ва яна бўлажак геолог, географ ва минералогларга “Кимё” курсини тўлақонли тарзда ўқитиш зарурлиги ҳақида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** дидактика, интеграция, компонент, фанлараро алоқадорлик, диалектика, феномен.

**Акбарова Муаттархон Тилаволдиевна**

Чирчиқский государственный  
педагогический институт,  
преподаватель кафедры "Химия"  
akbarova72m@mail.ru

## НЕОБХОДИМОСТЬ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БУДУЩИХ ГЕОЛОГОВ ХИМИЧЕСКИМИ ЗНАНИЯМИ О ГРУНТЕ

### АННОТАЦИЯ

В данной статье невозможно воспринимать и понимать процессы жизни на Земле и в ней без участия химических знаний, поэтому дидактическое сотрудничество предметов геологии и географии по дисциплине "химия" оправдано укреплением знаний студентов по этим дисциплинам, причем ярко выражен комплексный характер этой науки, а также использование высоких технологий будущему геологу, географу и минералогу было дано представление о необходимости полноценного преподавания курса "химия".

**Ключевые слова:** дидактика, интеграция, компонент, наука, отношение, диалектика, феномен.

**Akbarova Muattarkhon Tilavoldievna**  
Chirchik State Pedagogical Institute,  
teacher of the department of " Chemistry"  
akbarova72m@mail.ru

## THE NEED TO PROVIDE FUTURE GEOLOGISTS WITH CHEMICAL KNOWLEDGE ABOUT THE GROUND

### ABSTRACT

In this article, it is impossible to perceive and understand the processes of life on Earth and in it without the participation of chemical knowledge, therefore, the didactic cooperation of the subjects of Geology and geography in "chemistry" is justified by the strengthening of students' knowledge in these disciplines, and the integrated nature of this science is strongly expressed, and the use of high the future geologist, geographer and mineralogist was given an idea of the need to fully teach the course "chemistry".

**Keywords:** didactics, integration, component, science, relation, dialectics, phenomenon.

Табиат кучлари ва ходисалари қаршисида дастлаб ўзининг ожизлиги туфайли инсон уни турлича ва ўзининг ақли етар даражада тасвирлашга уринди. Оламнинг тузилишини Ер, Қуёш, Ой ва юлдузлар ўлчамида тушунтиришнинг ўзи қанчадан-қанча хато фикрлар, ғоялар, қарашлар, фаразлар, назарияларнинг яралишига олиб келди. Биргина геоцентрик ва гелиоцентрик таълимотларнинг тарихини эсга олиш ҳам бу борада яққол мисол бўлади. Ҳаёт ва ўлим, сиҳат-саломатлик ва касалликлар, организм ва уни ўраб турган атроф-муҳит муносабатлари диалектикаси, табиий ва сунъий ҳамда синтетик моддий олам маҳсулотларининг нисбий қўламлари ҳамда уларнинг истиқболлари, биомоддий ва биоэнергетик сарҳадларнинг ўзаро алоқаси қабилар ҳам жуда кўп баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. Атмосфера, литосфера ва гидросферадаги кўпгина глобал геологик, метеорологик ва бошқа ходисалар ер сайёрасидаги кечажак жараёнларнинг турлича изоҳланишига сабаб бўлди. Ҳаёт мавжуд бўлган биосферадаги мураккабликлар эса инсоният олдига янгидан-янги жумбоқларни қўндаланг қилиб қўйди. Аллақачонлар пайдо бўлиб, ўз тадқиқот объект ва предметларини ўрнини топишга улгурган фанлар, яъни аниқ ва дунёвий билимлар кўпгина мунозарали масалаларга ойдинлик киритди. Ижтимоий-гуманитар фанлар табиат ва жамият муносабатлари қонуниятларини очди. Техника ва технология, саноат ва хўжалик юритиш борасидаги ютуқлар оламнинг айрим ва хусусий манзараларини яралишига сабабчи бўлди. Фалсафий дунёқараш оламнинг табиий-илмий манзараси ёрдамида ойдинлаштирилади. Бунинг учун эса табиат ҳақидаги фанларнинг энг муҳим ютуқлари бир бутунликка (яхлитликка) йўналтирилиши лозим [1].

Фанлар интеграцияси эвазига цивилизациянинг энг ноёб ютуқлари қўлга киритилмоқда. Инсоннинг ташқи дунёни ва ўзлигини англаши, одам ва жамият муносабатларининг янги қонуниятларини билиб олиши содир бўлмоқда. Ана шундай диалектик жараёнда ишлаб чиқаришдек инсон ақл-заковати билан йўлга қўйилган иқтисодий ходиса етакчи позицияга қўтарилмоқда. Барча саъй-ҳаракатлар инсоннинг саломатлиги, тўқлиги ва усти бутлигига, ҳамда маънавий савиясининг ривожланишига хизмат қилиши назарда тутилса, ишлаб чиқаришдек кенг қўламли ҳаётий феноменнинг моҳияти равшанлашади. Яшаш ва кўпайиш, қуриш ва яратиш, фан ва сиёсат билан шуғулланиш учун ҳам ишлаб чиқариш, деҳқончилик ва чорвачиликни йўлга қўйиш лозимдир [2].

Организм ва муҳитнинг ўзаро чамбарчас алоқаси, осмон жисмларининг алоқадорлиги, Ердаги ҳаётнинг космик омилларга боғлиқ тарзда кечиши, кишилиқ жамиятининг ҳаётидаги ўзгаришларнинг геологик ва астрофизикавий ходисаларга ўзакдошлиги, Ердаги тарихий воқеаларнинг Қуёш фаолияти билан боғлиқлиги каби кўпгина нарса ва ходисалар фанлар

тараққийнинг оламни билиб олишдаги муваффақиятли иштироки туфайли маълум бўлди. Бундай глобал илмий-ижодий, ижтимоий-маърифий жараёнлар бетўхтов тарзда давом этаверади /3/.

Узлуксиз таълимнинг муҳим бўғини ҳисобланадиган олий таълимда бўлажак геологларга ўқитиладиган «Кимё» ўқув предмети алоҳида ўрин тутди. Она заминнинг тузилмаси, табиий ва иқтисодий имкониятлари, фазовий ўрни ва астрогалактик мавқеи каби масалалар талабаларда илмий дунёқараш ва оламнинг умумий илмий манзараси ҳақидаги тасаввурларни шакллантиради. Шу аснода геология, география ва кимё ўқув предметлари алоқани ўрнатиш муҳимдир. Чунки Ернинг, унинг атмосфераси ва гидросферасининг кимёвий таркиби ва ўзгаришлари ҳақидаги билимларсиз моддий оламни етарлича англаб олиш мумкин эмас. Файдали қазилмалар ва улардан фойдаланиш, табиий ресурслар ва уларнинг иқтисодий аҳамиятини тушуниш кимёвий билимларсиз амалга ошмайди. Тарихий ва динамик геология, табиий ва иқтисодий география курсларидаги аксарият мавзулар мазмунида кимёвий маълумотлар акс этиши лозим. Ернинг кимёвий таркиби, тупроқ ва ҳавонинг биогеокимёвий аҳамияти, жонли ва жонсиз табиат ўртасидаги кимёвий алоқалар бу фанларнинг интеграцияси туфайли инсониятга ойдинлашиб келган /4/. Эндиликда эса ўқув предметлари мазмунида ҳам бу масалаларни узвийликда ёритиш зарурати туғилди. Бироқ бу педагогик муаммони ҳал этишнинг айрим тўсиқлари мавжуд:

1. Геология ва географияга оид ўқув адабиётлари мазмунидаги кимёвий материалларнинг тарқоқлиги ҳамда тизимсизлиги.
3. Зарур илмий-методик ёрдамнинг ташкил этилмаганлиги.
4. Предметларро алоқа ўрнатишнинг алоҳида тадқиқот объекти ва предмети тарзида ўрганилмаганлиги.

Геология, география ва кимёдек кўҳна ва дунёвий фанларнинг ўзаро интеграцияси муттасил давом этаётган айни даврда таълим тизимидаги бундай нуқсонларни бартараф этиш зарурати туғилди. Бунда геология, геокимё, геодезия, геометрия, биогеокимё, космокимё, биогеография, антропология ва экология каби фанларнинг маълумотларини ҳам ёрдамга чақириш лозим /5/.

Кимёвий ва қайта ишлаш саноати ютуқлари геология ва география курсининг таркибий компонентига айланиши - дидактик талабдир /6/. Бундай вазифанинг адо этилишида биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон-буёқ келажак сари” асаридан дастуриламал сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир /7/.

Кимё, геология ва география ўқув предметларининг дидактик ҳамкорлиги эвазига талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билимлари мустаҳкамланади ҳамда уларнинг моддий ва маънавий кадриятларга бўлган муносабатлари ижобий томонга ўзгаради. Қолаверса, геология, география ва кимё таълимининг ватанпарварлик тарбияси тамойиллари ҳам бажарилади.

Ўзбекистон Республикасини бежизга жаннатмакон диёр дейишмайди. Бу масканнынг замин утпроғини тиллоларга баробар, дейиш мумкин. Олтин утпроғи маъданлар, нефть ва газ, кўмир ва шифобахш минерал сув, полиметалл рудалар ва олтингургурт, симоб ва мис, қалай ва вольфрам, каолин ва гил каби табиий бойликларимизнинг қадрига етиши ва улардан самарали ҳамда мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланиши учун ҳам бўлажак ершуносларга кенг қўламли кимёвий билимлар берилиши ҳаётий ва биринчи даражали илмий ҳамда илмий-методик муаммодир /8/.

Хулоса қилиб айтганда, “Кимё” курсининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, бу фаннинг интегратив характери кучли фойдаланган ва ундан фанларро алоқадорликни ташкил этиш учун юксак самара билан фойдаланиш мумкин.

Ер ва ундаги ҳаётий жараёнларни кимёвий билимлар иштирокисиз идрок қилиб ва англаб бўлмайди. Гарчи, кимёвий маълумотларсиз геология, минералогия, геокимё каби фанларни, нефть ва газ ҳамда бошқа табиий ресурслар ҳақидаги маълумотларни замон талаби даражасида тушунтириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам бўлажак геолог, географ ва минералогларга “Кимё” курсини тўлақонли тарзда ўқитиш – давр талабидир.

**Иқтибослар / Сноски /References:**

1. Оманов Х.Т., Нуъмонов Б.О. Принцип историзма в процессе преподавания неорганической химии.//«Халқ таълими» журналі. -№5, 2011. -107-109 б.
2. Омонов Ҳ.Т. Дунёнинг умумий илмий манзарасини яратишда фанлар интеграцияси ва дифференциациясининг ўрни.// «Таълимда ижтимоий-гуманитар фанлар» журналі. -№3, 2007. -135-138 б.
3. Оманов Х.Т. Философско-методологические проблемы современной химии и их отражение в содержании химического образования.// «Узлуксиз таълим» журналі. -№1, 2012. -47-51 б.
4. Алекин О.А. Основы гидрохимии. Учебное пособие. 1970.-442 с.
5. Климентов Г.П., Богданов Г.Я. Общая гидрогеология.-М. Недра, 1977.-357 с
6. Пак М.С. Дидактика химии. –Москва: “Владос”, 2004, -125 с.
7. Каримов И.А. “Ўзбекистон-буюк келажак сари”, Тошкент, 1998.-559 б.
8. Парпиев Н.А., Раҳимов Ҳ.Р., Муфтахов А.Г. Анорганик кимёнинг назарий асослари, Тошкент, 2000.
9. Омонов Х Т, Курбонназаров О.А. Кимё, инсон ва биосфера. -Тошкент: Ўзбекистон зиёлиларининг илмий-маърифий уюшмаси, 2009. -25 б.
10. Ягодин Г.А., Раков Э.Г., Третьякова Л.Г. Химия и химическая технология в решении глобальных проблем. –М.: Химия, 2008. -176 с.
11. Симионеску К., Денеш Ф. Происхождение жизни. Химические теории: Пер. с румынск. –М.: Мир, 1986. -120 с.
12. Маҳмудов Ю.Ғ., Омонов Ҳ.Т. Макро-, микро-, ультрамикрэлементлар ва ҳаёт. Илмий-методик қўлланма. –Тошкент: Фан, 1999. -40 б.
13. Омонов Ҳ.Т., Қўчқоров М.А. Кимёвий реакцияларнинг энергетикасини ўрганиш хусусида // «Педагогик таълим» журналі, 2007. -№1. – 47-49 б.

**ПЕДАГОГИКА ВА ПСИХОЛОГИЯДА  
ИННОВАЦИЯЛАР**

---

**ИННОВАЦИИ В ПЕДАГОГИКЕ И  
ПСИХОЛОГИИ**

---

**INNOVATIONS IN PEDAGOGY AND  
PSYCHOLOGY**

**№6 (2021)**

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Тадqiqот город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000